| سیرت | *а.* сийрат | хулқ-атвор |
| سیما | *а.* сиймо | қиёфа, юз, чеҳра |
| سینه | *ф.* сийна | кўкрак, кўкс |
| سیورغال | *т.* суйурғол | инъом бериш, ҳадя қилиш |
| سیورقه | *т.* суйурқа | тақдирламоқ, мукофотламоқ |

## ش – Ш

| | | |
|---|---|---|
| شادان | *ф.* шодон | севиниб, шодлик билан |
| شاطر | *а.* шотир | подшо(ҳ), хон каби олий амалдорлар отини етаклаб тутиб юрувчи навкар, жиловдор |
| شاکر بولماق | *а.-т.* шокир бўлмоқ | шукр қилмоқ; қаноатланмоқ |
| شام | *ф.* шом | 1. кечқурун; 2. қоронғилик |
| شایان | *ф.* шоён | 1. мувофиқ; 2. сазовор |

| | | |
|---|---|---|
| شاید | *ф.* шояд | кошки; зора; эхтимол |
| شایسته | *ф.* шойиста | муносиб, лойиқ, мақбул |
| شایع | *а.* шойи(ъ) | тарқалган; ёйилган; машҳур; ошкора |
| شب | *ф.* шаб | тун, кеча |
| شبستان | *ф.* шабистон | 1. кечки ётоқхона; 2. ички ҳаром доираси; 3. қоронғилик |
| شبخون | *ф.* шабхун | тунда қўққисдан қилинадиган ҳужум |
| شدید | *а.* шадид | шиддатли; қаттиқ |
| شرار | *а.* шарор | аланга; учқун |
| شرح | *а.* шарҳ | изоҳ бериш |
| شرکت | *а.* ширкат | 1. шериклик; 2. катнашиш; 3. уюшма, бирлашма |
| شروع | *а.* шуру(ъ) | бошлаш |
| شریف | *а.* шариф | 1. қадрли; 2. мақбул |
| شطرنج | *ф.* шатранж | шахмат |

| | | |
|---|---|---|
| شعبه | *а.* шуъба | тўда; бўлим |
| شفقوش | *а.-ф.* шафақваш | 1. шафақдай; 2. қизил |
| شفیق | *а.* шафиқ | шафқатли; марҳаматли |
| شکار | *ф.* шикор | ов |
| شکسته | *ф.* шикаста | синик; мағлуб, қийналган |
| شکل | *а.* шакл | тур, жинс, нав(ъ) |
| شکم | *ф.* шекам | қорин |
| شکوه | *ф.* шукуҳ | азаматлик; шавкатлик |
| شمایل | *а.* шамойил | феъл-атвор, хулқ, ахлоқ |
| شمشاد | *ф.* шамшод | 1. доим яшил, ҳамиша баҳор; 2. хушқад; алифдек қомат; новча |
| شور | *ф.* шўр | тўполон; тўполон келтирувчи |
| شور | *ф.* шўр | тузли |
| شهپر | *ф.* шаҳпар | қанотдаги энг узун патлар (қушлар қанотидаги) |

| | | |
|---|---|---|
| شهسوار | *ф.* шаҳсувор | моҳир чавандоз |
| شیخ | *а.* шайх | 1. шайх; 2. кекса |
| شیطان لعین | *а.* шайтони лаин | 1. лаънатланган (худонинг даргоҳидан қувилган) шайтон; 2. ўтакетган фирибгар |

## ص — С

| | | |
|---|---|---|
| صاحب | *а.* соҳиб | 1. хўжайин, эга; 2. эр |
| صاحب تدبیر | *а.* соҳибтадбир | донишманд, оқил. доно |
| صاحب تمیز | *а.* соҳибтамиз | бамаъни, ақлли, мулоҳазали, доно |
| صاحب دولت | *а.* соҳибдавлат | (*қ.* давлатманд) |
| صاحب سخن | *а.-ф.* соҳибсухан | гапга чечан; нотиқ; ваъзхон |
| صاحب قران | *а.* соҳибқирон | бахтли, омадли, иқболи (толеи) баланд; ғолиб, музаффар |

| | | | |
|---|---|---|---|
| صاحبکار | *а.-ф.* | соҳибкор | 1. корхона эгаси; 2. уддабурон; 3. иш берувчи; 4. корчолон, олғир; 5. буюртмачи |
| صاحب کرامت | *а.* | соҳибкаромат | 1. мўъжизачи; 2. ижод қилувчи |
| صاحب کرم | *а.* | соҳибкарам | саховатли, олийҳиммат |
| صاحب کمال | *а.* | соҳибкамол | олим |
| صاحب مقام | *а.* | соҳибмақом | 1. улуғ мартабали; савлатли; 2. амалдор |
| صاحب نظر | *а.* | соҳибназар | 1. зийрак, ўткир; 2. тақводор, тавфиқли; 3. каромат эгаси |
| صاداغ | *т.* | содоғ | (қ. соғдоқ) |
| صاغداق | *т.* | соғдоқ | ўқдон, ўқ солинадиган тўрвача (халтача) |
| صبح | *а.* | субҳ | тонг палласи, сабоҳ; саҳар |
| صحیح | *а.* | саҳиҳ | тўғри; дуруст |
| صراط | *а.* | сирот | йўл; дўзахнинг устидан жаннатга ўтиладиган қил кўприк |
| صغار | *а.* | сиғор | (қ. *бирл.* сағир) |

| | | |
|---|---|---|
| صغير | *а.* сағир | кичик; ёш бола, гўдак |
| صفا | *а.* сафо | хурсандлик; маишат |
| صلات | *а.* салот | намоз, ибодат; ҳамду сано |
| صلاح | *а.* салоҳ | 1. яхшилик; 2. осойиш; 3. тўғрилик |
| صمت | *а.* самт | жимлик |
| صنف | *а.* синф | синф |
| صنوف | *а.* синуф | (*қ. бирл.* синф) |
| صوت | *а.* савт | 1. овоз; оҳанг, куй; 2. қамчи |
| صيد | *а.* сайд | шикор, ов |
| صيف | *а.* сайф | қилич |

## ض — з

| | | |
|---|---|---|
| ضابط | *а.* зобит | забт этувчи, бошқарувчи; (офицер) |

| | | |
|---|---|---|
| ضال | *а.* зол | адашган, йўлдан озган |
| ضامن | *а.* зомин | юз берган кўнгилсиз иш учун сабабчи ёки айбдор бўлган; жавобгар |
| ضعفا | *а.* зуафо | (қ. *б р.л.* заиф) |
| ضعيف | *а.* заиф | кучсиз (ожиз) |
| ضعيفه | *а.* заифа | аёл киши; кучсиз аёл |
| ضلالت | *а.* залолат | йўлдан чиқишлик; гумроҳлик |
| ضماير | *а.* замоир | (қ. *бирл.* замир) |
| ضمه (و) | *а.* замма | араб алифбосида *у-ў* унлисини ифода этиб, ундош ҳарф устига қўйиладиган белги |
| ضمير | *а.* замир | ич; юрак, дил |

## ط – Т

| | | |
|---|---|---|
| طالع | *а.* толе(ъ) | бахт, иқбол, қисмат, тақдир |

| | | |
|---|---|---|
| طاوس | *а.* товус | товус (гўзал кўринишли) |
| طاير | *а.* тойир | куш |
| طب | *а.* тиб | тиббиёт (мадади Сино), табиблик иши |
| طرب | *а.* тараб | шодлик, хурсандчилик |
| طرز | *а.* тарз | 1. шакл, форма: 2. услуб, усул |
| طريق | *а.* тари(й)қ | 1. йўл; 2. усул, қоида, расм |
| طعمه | *а.* тўъма | таом, овқат |
| طفل | *а.* тифл | ёш бола, мурғак |
| طلعت | *а.* талъат | 1. юз, ҳусн, чеҳра, қиёфа; 2. эркаклар исми |
| طوابع | *а.* тавобе(ъ) | (бирл. тобе(ъ); 1. босма; 2. матбаачи |
| طهارت | *а.* таҳорат | (номоз ўқишдан олдин) покланиш; ҳожатдан сўнг сув билан тозаланиш |
| طهارتخانه | *а.-ф.* таҳоратхона | таҳорат олиш, ювиниб покланиш учун мосланган махсус хона; халохона |

| | | |
|---|---|---|
| طیر | *а.* тайр | қуш |
| طینت | *а.* тийнат | 1. хулқ, феъл-атвор; 2. яратилиш |

## ظ – З

| | | |
|---|---|---|
| ظالم | *а.* золим | зулм қилувчи, жабрловчи |
| ظاهر | *а.* зоҳир | очиқ-ойдин кўриниб турган, аён-ошкора, аниқ, шак-шубҳасиз |
| ظاهراً | *а.* зоҳиран | кўринишича; ташқаридан қараганда |
| ظاهربولماق | *а.-т.* зоҳир бўлмоқ | кўринмоқ, маълум бўлмоқ, пайдо бўлмоқ |
| ظرف | *а.* зарф | идиш-товоқ |
| ظروف | *а.* зуруф | (*қ. бирл.* зарф) |
| ظریف | *а.* зариф | зийрак, хушчақчақ |
| ظلمات | *а.* зулумот | тим қоронғулик, зим-зиё |

| | | |
|---|---|---|
| ظواهر | *а.* завоҳир | (*қ. бирл.* зоҳир) |
| ظهور | *а.* зуҳур | зоҳир бўлиш, кўриниш, пайдо бўлиш |

## ع – ъ(А, И, У)

| | | |
|---|---|---|
| عارض | *а.* ораз | юз, чеҳра |
| عارف | *а.* ориф | билимдон, донишманд |
| عاصی | *а.* осий | гуноҳкор |
| عالم | *а.* олим | билимдон, ўқимишли, донишманд |
| عباد | *а.* ибод | (*қ. бирл.* абд) |
| عبادت | *а.* ибодат | худога сиғиниш; намоз |
| عبد | а. абд | банда, қул (худонинг қули маъносида ишлатилади) |
| عدد | *а.* адад | 1. сон, саноқ; 2. грам. нумератив |
| عرش | *а.* арш | оллоҳнинг макони (тахти) |

| | | |
|---|---|---|
| عرش اعلا | *а.* арши аъло | осмоннинг энг юқори қисмидаги сарой, тахт; фалак, кўк |
| عزازل | *а.* азозил | шайтоннинг асли оти |
| عزلت | *а.* узлат | одамлардан четлашиш; ёлғизликни ихтиёр айлаш |
| عزم | *а.* азм | жўнаш, юриш |
| عساکر | *а.* асокир | (*бирл.* аскар) аскарлар |
| عشاق | *а.* ушшоқ | (*бирл.* ошиқ) ошиқлар |
| عشر | *а.* ушр | ўндан бир |
| عشرت | *а.* ишрат | кайф-сафо |
| عصا | *а.* асо | ҳасса |
| عصر | *а.* аср | давр, замон |
| عصر | *а.* аср | қуёш ботиш олдидан ўқиладиган намоз (аср намози) |
| عظیم | *а.* азим | улуғ, буюк, катта |
| عقد | *а.* ақд | боғлаш; жуфтлаш, никоҳ |

| | | |
|---|---|---|
| عقرب | *а.* ақраб | чаён |
| عقیده | *а.* ақида | 1. эътибор; ихлос; ишонч; 2. тушунча |
| عقیق | *а.* ақиқ | қимматбаҳо қизил тош, ҳақиқ |
| علف | *а.* алаф | ёввойи ўт; гиёҳ; супурги ўт |
| علما | *а.* уламо | (*бирл.* олим) олимлар, донишмандлар |
| علیه السلام | *а.* алайҳиссалом | унга салом (пайғамбар номига қўшиб айтилади) |
| عمامه | *а.* амома | салла (бошга ўрайдиган мато) |
| عمر | *а.* умр | яшаш, ҳаёт |
| عمل | *а.* амал | иш, амал |
| عمی | *а.* амо | кўрлик |
| عمیق | *а.* амиқ | чуқур |
| عناصر | *а.* аносир | унсурлар |
| عنایت قیلماق | *а.-т.* иноят қилмоқ | марҳамат қилмоқ, бағишламоқ |

| | | |
|---|---|---|
| عندلیب | *а.* андалиб | булбул |
| عنقا | *а.* анқо | гўё қоф тоғида яшаган афсонавий катта қуш (йўқлик рамзи сифатида ишлатилади) |
| عدو | *а.* адув | душман, ёв |
| عوامل | *а.* авомил | омил (фактор) |
| عورت | *а.* аврат | тананинг шариатга мувофиқ бекитиб юрилиши талаб қилинадиган қисми |
| عهد | *а.* аҳд | 1. қатъий сўз, қарор, ваъда; келишув, билим; 2. замон, аср |
| عهدپیمان | *а.-ф.* аҳд-паймон | ўзаро қатъий келишув |
| عید | *а.* ийд | ҳайит, байрам |
| عید رمضان | *а.* ийди рамазон | рамазон ҳайити, катта ҳайит |
| عیسی | *а.* ийсо, исо | христианлар пайғамбари |
| عیش | *а.* айш | ҳузур-ҳаловат; яхши турмуш |

| | | |
|---|---|---|
| عين | *а.* айн | араб алифбосидаги «айн» ҳарфининг номи |
| عين | *а.* айн | кўз |
| عينين | *а.* айнайн | икки кўз |

## غ — Ғ

| | | |
|---|---|---|
| غارات | *а.* ғорот | (*қ. бирл.* ғорат) |
| غارت | *а.* ғорат | вайронлик, бузғунлик, талон-торож қилиш |
| غافل | *а.* ғофил | ғафлатда қолган, ҳеч нарсадан бехабар |
| غدار | *а.* ғаддор | 1. бераҳм, золим; 2. маккор |
| غرفه | *а.* ғурфа | болохона |
| غزات | *а.* ғазот | дин йўлида қилинадиган уруш; жанг, ҳужум; истило |
| غسال | *а.* ғассол | ювғучи, ўлик ювадиган |

| | | |
|---|---|---|
| غسل | *а.* ғусл | ювиниш; чўмилиш |
| غلطان | *ф.* ғалтон | юмаланувчи (кўпинча, кўз ёшга нисбатан ишлатилади) |
| غمخوار | *ф.* ғамхўр | ғам егувчи, меҳрибон |
| غمزه | *а.* ғамза | ишва, ноз-карашма |
| غمگسار | *а.-ф.* ғамгусор | меҳрибон, ғамхўр |
| غمناک | *а.-ф.* ғамнок | ғамли, ғам чеккан |
| غنی | *а.* ғани | бой; сарватманд |
| غواص | *а.* ғаввос | сувга шўнғувчи |
| غیر | *а.* ғайр | 1. бегона, ёт; 2. рақиб |

## ف — Ф

| | | |
|---|---|---|
| فاتح | *а.* фотиҳ | забт этувчи, фатҳ этувчи |
| فاتحه | *а.* фотиҳа | 1. бошланиш, «қуръон»нинг биринчи су- |

| | | |
|---|---|---|
| | | раси; дуо қилиш; олқиш; 2. рухсат |
| فاخره | *а.* фахира | дабдабали; ҳашаматли; гўзал |
| فارغ | *а.* фориғ | тинч, хотиржам; бемалол |
| فارغ البال | *а.* фориғулбол | 1. хотиржам; 2. озод |
| فاروق | *а.* форуқ | адолатли |
| فاسد | *а.* фосид | ёмон, бузуқ, ярамас |
| فاسق | *а.* фосиқ | ёмон йўлга юрувчи; аҳлоқсиз |
| فاضل | *а.* фозил | фан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим |
| فتان | *а.* фаттон | мафтун этувчи |
| فتح | *а.* фатҳ | забт этиш, қўлга киритиш |
| فتحه (َ) | *а.* фатҳа | ҳарф устига қўйиладиган қисқа *«а»* унли ҳарфининг белгиси |
| فتنه انگیز | *а.-ф.* фитнаангиз | ғавға солувчи |

| | | | |
|---|---|---|---|
| فحش | *а.* | фаҳш | ахлоқсизлик; зино; бузуқлик |
| فراموش قیلماق | *ф.-т.* | форомуш қилмоқ | унутмоқ, эсдан чиқармоқ |
| فرح | *а.* | фараҳ | хурсандлик, шодхуррамлик, вақтчоғлик, севинч, қувонч |
| فرخ | *ф.* | фаррух | 1. гўзал, чиройли; 2. бахтиёр |
| فرد | *а.* | фард | якка, ёлғиз |
| فرض | *а.* | фарз | мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган диний бурч |
| فرض عین | *а.* | фарзи айн | мусулмон киши билиши, бажарилиши шарт бўлган асосий қоидалар ёзилган тўплам |
| فرقت | *а.* | фурқат | айрилиқ, жудолик |
| فزون | *ф.* | фузун | ортиқ, зиёда, кўп |
| فرهنگ | *ф.* | фарҳанг | 1. билим, ҳунар; 2. луғат |
| فساد | *а.* | фасод | 1. тартибсизлик; 2. бузилишлик |

| | | |
|---|---|---|
| فضل | *а.* фазл | илм, ҳунар, етуклик |
| فطر | *а.* фитр | рўзанинг томом бўлиши |
| فطرت | *а.* фитрат | яратилиш; туғма табиат |
| فغان | *а.* фиғон | 1. нола, фарёд, додвой; 2. бақириқ |

## ق — Қ

| | | |
|---|---|---|
| قاضی | *а.* қози | ҳукм қилувчи, амалга оширувчи |
| قاموس | *а.* қомус | 1. луғат; сўз бойлиги; 2. денгиз, океан |
| قایم | *а.* қойим | тик турувчи |
| قرائت | *а.* қироат | оҳанг билан ўқиш, тиловат қилиш (қуръонни тиловат қилиш) |
| قرعه | *а.* қуръа | 1. чек; 2. фол; фараз |
| قرعه انداز | *а.-ф.* қуръа-андоз | қуръа ташлаб фол очувчи; фолбин |

| | | |
|---|---|---|
| قريب | *а.* қариб | яқин киши; қариндош |
| قصور | *а.* қусур | камчилик, нуқсон |
| قصور | *а.* қусур | қасрлар, саройлар |
| قواعد | *а.* қавоид | (*бирл.* қоида) қоидалар |
| قوم | *а.* қавм | уруғ, аймоқ, қабила |
| قيامت | *т.* қиёмат | ўзбек қабилаларидан бирининг номи (қипчоқ, қўнғирот) |
| قيرميز | *ф.* қирмиз | қизил ранг |

## ک — К

| | | |
|---|---|---|
| كاتب | *а.* котиб | (*кўпл.* куттоб) 1. мирза; нусха кўчирувчи, каллиграф; 2. иш бошқарувчи |
| كاج | *ф.* кож | гарданига (бўйнига) уриш; гарданига мушт тушириш |
| كاخ | *ф.* кох | осмон; сарой, қаср; катта бино |

| | | |
|---|---|---|
| کام | *ф.* ком | 1. истак, мақсад; 2. баҳра |
| کام | *ф.* ком | оғиз; танглай |
| کامیاب بولماق | *ф.-т.* комёб бўлмоқ | мақсадга эришмоқ; бахтиёр бўлмоқ |
| کاهش | *ф.* коҳиш | азоб-уқубат, қийинчилик; камайтириш, озайтириш |
| کاهن | *а.* коҳин | 1. дин аҳли; 2. фолбин, сеҳргар |
| کبار | *а.* кибор | (*қ. бирл.* кабир) |
| کبرا | *а.* кубаро | (*қ. бирл.* кабир) |
| کبود | *ф.* кабуд | кўк, мовий |
| کبیر | *а.* кабир | катта, улуғ |
| کج رفتار | *ф.* кажрафтор | маккор; тескари, нотўғри иш қиладиган дунё (тақдирдан шикоят қилиб айтиладиган ибора) |
| کدخدا | *ф.* кадхудо | 1. ҳукмрон, подшо(ҳ); 2. хотинли киши, эр; 3. рўзғор бошлиғи |

| | | |
|---|---|---|
| كدر | *а.* кадар | ғам, қайғу |
| كدو | *ф.* каду | қовоқ, ошқовоқ |
| كرخت | *ф.* карахт | хушсизлик; 2. бепарволик; 3. шафқатсизлик, бағритошлик |
| كسره (ـِ) | *а.* касра | араб алифбосида ундош ҳарфларнинг остига қўйиладиган белги бўлиб, қисқа *«и»* унлисини кўрсатади (зер ҳам дейилади) |
| كشف | *а.* кашф | очиш, топиш |
| كشور | *ф.* кишвар | вилоят, ўлка, мамлакат |
| كعبه | *а.* каъба | макка шаҳридаги зиёратгоҳ |
| كلام | *а.* калом | нутқ, калом, сўз |
| كلمات | *а.* калимот | (*қ. бирл.* калима) |
| كلمه | *а.* калима | нутқ; сўз |

| | | |
|---|---|---|
| کنار | *ф.* канор | 1. қирғоқ, чет; 2. қучоқлашиш |
| کواکب | *а.* кавокиб | (*қ. бирл.* кавкаб) |
| کوتاه | *ф.* кўтоҳ | калта, қисқа |
| کوثر | *а.* кавсар | ислом дини эътиқодига кўра, жаннатдаги ҳовузнинг номи (ҳавзи кавсар) |
| کوشک | *ф.* кўшк | баланд, баҳаво қилиб солинган иморат |
| کوکب | *а.* кавкаб | 1. юлдуз; 2. ёритқич; хуршид, машъал |
| کوکبستان | *а.-ф.* кавкабистон | юлдузлари чарақлаб турган осмон: юлдузлар |
| کونین | *а.* кавнайн | икки дунё |
| کوه | *ф.* кўҳ | 1. тоғ; 2. вулқон; 3. эск. ёнартоғ |
| کهن | *ф.* кўҳан | 1. эски; 2. кексайган, қартайган |
| کهنسال | *ф.* кўҳансол | кекса, ёши улуғ |
| کینت | *т.* кент | кичик ва тарқоқ шаҳар |

| | | |
|---|---|---|
| کیوان | *ф.* кайвон | юлдуз; астр. эск. зуҳал, сатурн |
| کیورماک | *т.* киюрмак | киргизмоқ |

## گ – Г

| | | |
|---|---|---|
| گام | *ф.* гом | қадам, одим |
| گذار | *ф.* гузор | ўтувчи; ўтказувчи; йўл |
| گذارش | *ф.* гузориш | 1. ҳимоя қилиш; 2. сўзлаш |
| گذارنده | *ф.* гузоранда | баён этувчи; ҳикоячи |
| گذر | *ф.* гузар | ўтиш; ўтиш жойи |
| گذرگاه | *ф.* гузаргоҳ | ўтиш жойи |
| گرانمایه | *ф.* гаронмоя | 1. қимматбаҳо; 2. фойдали |
| گردان | *ф.* гардон | айланадиган, айланма |
| گردش | *ф.* гардиш | 1. айланиб юриш, сайр этиш; 2. тақдир, қисмат; кўргилик |

| | | |
|---|---|---|
| گردن | *ф.* гардан | бўйин |
| گردون | *ф.* гардун | кўк, фалак, осмон |
| گرفتار | *ф.* гирифтор | 1. учраган, йўлиққан; 2. банд бўлган |
| گرم | *ф.* гарм | иссиқ; ёқимли |
| گریان | *ф.* гирён | йиғлаётган, йиғловчи |
| گریبان | *ф.* гирибон | кийим ёқаси |
| گریه | *ф.* гиря | йиғи, кўз ёши |
| گشت | *ф.* гашт | айланиш, сайр-томоша |
| گفتار | *ф.* гуфтор | нутқ; гапириш, сўзлаш; суҳбат |
| گلنار | *ф.* гулнор | анор гули; қизил (қирмизи) гул |
| گمراه | *ф.* гумроҳ | йўлдан адашган; янглишган |
| گنبذ | *ф.* гунбаз | 1. гумбаз; қубба шаклидаги том; 2. осмон, фалак |

| | | |
|---|---|---|
| گنج | *ф.* ганж | хазина, бойлик |
| گنجینه | *ф.* ганжина | (*қ.* ганж) |
| گوساله | *ф.* гўсола | бузоқ |
| گوسفند | *ф.* гўсфанд | қўй |
| گوشواره | *ф.* гўшвора | исирға, зирак |
| گوشه | *ф.* гўша | 1. хилват; чекка жой; 2. бурчак |
| گوناگون | *ф.* гуногун | хилма-хил, ранг-баранг |
| گوهر | *ф.* гавҳар, гуҳар | 1. дур, ёқут, инжу, қимматбаҳо тош; 2. насл-насаб, келиб чиқиш |
| گوینده | *ф.* гўянда | 1. айтувчи; 2. ҳофиз, ашулачи |
| گهر | *ф.* гуҳар | (*қ.* гавҳар) |
| گیتی | *ф.* гити | дунё, олам |
| گیتی نما | *ф.* гитинамо | оламни кўрсатувчи |

# ل – Л

| | | |
|---|---|---|
| لاده | *а.* лода | аҡлсиз, аҳмоқ |
| لاله روی | *ф.* лоларўй | қизил юзли |
| لاله گون | *ф.* лолагун | лола ранг, қизил, қирмизи |
| لامکان | *а.* ломакон | маконсиз, жойсиз; муқим жойи йўқ |
| لحد | *а.* лаҳад | гўр, қабр |
| لسان | *а.* лисон | тил, забон |
| لسان الطیر | *а.* лисонут-тайр | қуш тили |
| لطافت | *а.* латофат | гўзаллик, нозиклик |
| لطیف | *а.* латиф | мулойим; гўзал |
| لعل | *а.* лаъл | 1. қизил қимматбаҳо тош; қизил ёқут; 2. гўзал лаб |
| لعل گون | *а.-ф.* лаългун | қизил, қип-қизил |

| | | |
|---|---|---|
| لعين | *а.* лаин | лаънатланган, қарғиш олган |
| لغات | *а.* луғот | (*бирл.* луғат) |
| لقا | *а.* лиқо | юз, чеҳра |
| لنگ | *ф.* ланг | чўлоқ, оқсоқ |
| لهجه | *а.* лаҳжа | шева, диалект |
| ليلة القدر | *а.* лайлатулқадр | рамазон ойининг муқаддас саналувчи йигирма еттинчи туни |
| ليلة المعراج | *а.* лайлатул-меърож | меърож туни (Муҳаммад пайғамбарнинг кўкка чиққан кечаси) |
| ليلى | *а.* лайлий | тунги |
| ليلى وش | *а.-ф.* лайливаш | лайлига ўхшаш |

## م — М

| | | |
|---|---|---|
| مآثر | *а.* маосир | 1. иш, фаолият; 2. жасорат, мардона хатти-ҳаракат; 3. қадимдан қолган ёдгорлик |

| | | | |
|---|---|---|---|
| مار | *ф.* мор | илон |
| مأمور | *а.* маъмур | бошқариш ва ижро ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс |
| مأوا | *а.* маъво | турар жой; бошпана |
| ماهتاب | *ф.* моҳтоб | ойдин |
| ماه طلعت | *ф.-а.* моҳталъат | гўзал, ой юзли, чиройли |
| مبدل | *а.* мубаддал | ўзгартирилган, алмашинган |
| مبسوط | *а.* мабсут | 1. кенг, ёйилган; 2. шарҳланган |
| متحرك | *а.* мутаҳҳаррик | ҳаракат қилувчи; ҳаракатланувчи |
| متحير | *а.* мутаҳаййир | ҳайрон, ҳайратда қолган |
| مترجم | *а.* мутаржим | таржимон |
| متصل | *а.* муттасил | туташ; кетма-кет; узлуксиз, доимо |
| متعجب | *а.* мутааж жиб | ҳайрон бўлувчи |
| متفاوت | *а.* мутафовит | фарқли, тафовутли |

| | | |
|---|---|---|
| متفرق | *а.* мутафаррик | тарқоқ, бир-бириддан фарқ қилган |
| متفکر | *а.* мутафаккир | ўйловчи, фикр юритувчи, серфикр |
| متکا | *а.* муттако | суянчиқ, мададкор |
| متن | *а.* матн | матн (текст) |
| متولد | *а.* мутаваллид | туғилган, дунёга келган |
| مثلّث | *а.* мусаллас | 1. учбурчак; 2. учлик шеър |
| مثلث | *а.* мусаллас | қўлбола узум виноси |
| مثلثات | *а.* мусалласот | тригонометрия |
| مجالس | *а.* мажолис | (*бирл.* мажлис) йиғилишлар; мажлислар |
| محارب | *а.* муҳориб | жангчи |
| محارم | *а.* маҳорим | (*қ. бирл.* маҳрам) |
| محاصره | *а.* муҳосира | қамал, қуршов, ўраб олиш |
| محافل | *а.* маҳофил | (*қ. бирл.* маҳфил) |

| | | |
|---|---|---|
| محدث | *а.* муҳаддис | сўзловчи; ҳикоячи; ҳадис билувчи (айтувчи) |
| محرم | *а.* маҳрам | сирдош, дилкаш, яқин дўст |
| محرم | *а.* муҳаррам | ҳижрий йил ҳисобидаги биринчи ойнинг номи |
| محرم راز | *а.-ф.* маҳрамроз | сирдош дўст; яқин қариндош; ошиқ-маъшуқ |
| محفل | *а.* маҳфил | 1. мажлис; тўгарак; 2. жамият |
| محو | *а.* маҳв | 1. йўқолиш; 2. ўзидан кетиш |
| مخالفت | *а.* мухолафат | келишмовчилик |
| مخزن | *а.* махзан | хазина |
| مخلص | *а.* мухлис | ихлосманд; ихлос этувчи |
| مخمس | *а.* мухаммас | бешлик (шеър тури) |
| مرآت | *а.* миръот | 1. кўзгу; 2. тиниқлик |
| مربی | *а.* мураббий | тарбиячи |
| مرثیه | *а.* марсия | вафот этган кишига бағишланган шеърий асар |

| | | |
|---|---|---|
| مردار | *ф.* мурдор | ҳаром, нопок |
| مرطوب | *а.* мартуб | рутубатли, нам, зах |
| مرغ | *ф.* мурғ | 1. қуш; парранда; 2. товуқ |
| مرفوع | *а.* марфу (ъ) | юқори кўтарилган; кетказилган |
| مرفه | *а.* мураффаҳ | тинч-хотиржам, роҳат-фароғатли, осойишта |
| مرل | *т.* марал | 1. кийик; 2. буғуларнинг катта шохли йирик бир тури |
| مریض | *а.* мариз | бемор, касал |
| مزیّن | *а.* музайян | зийнатланган |
| مسافر | *а.* мусофир | 1. сайёҳ, йўловчи; 2. ўзга |
| مسافرت | *а.* мусофарат | сайёҳлик, мусофирлик |
| مساکن | *а.* масокен, масокин | (*қ. бирл.* маскан) |
| مساکین | *а.* масокин | (*қ. бирл.* мискин) |

| | | |
|---|---|---|
| مستجاب | *а.* мустажоб | талаби қабул этилган, қабул қилинган |
| مستحب | *а.* мустаҳаб | 1. таҳорат олиш учун яширин жойларини ювмоқ; 2. дўст тутилган, севилган |
| مستحسن | *а.* мустаҳсан | маъқул кўрилган, маъқулланган |
| مستفید | *а.* мустафид | фойда олувчи |
| مسخر | *а.* мусаххар | бўйсундирилган; ўзига қаратилган |
| مسخن | *а.* мусаххин | қиздирувчи |
| مسدس | *а.* мусаддас | 1. олтилик шеър; 2. олти бурчак |
| مسرور | *а.* масрур | шод, хурсанд |
| مسعود | *а.* масъуд | бахтли, саодатли |
| مسکن | *а.* маскан | ўрин; уй; турар жой |
| مسکین | *а.* мискин | қашшоқ, камбағал, фақир, бечора; тиланчи |
| مسلم | *а.* муслим | мусулмон |
| مسلوک | *а.* маслук | юрилган, тутилган (йўл) |

| | | |
|---|---|---|
| مسمّی | *а.* мусамма | номланган, аталган; айтиб ўтилган |
| مسواک | *а.* мисвок | хушбўй дарахт ёғочидан ясалган тиш тозалагич |
| مسئول | *а.* масъул | жавобгар, жавоб берувчи |
| مسوی | *а.* мусаввий | Мусо динидаги (киши) |
| مشّاق | *а.* машшоқ | 1. устоз, муаллим; 2. машшоқ; ашулачиларни машқ қилдирувчи (оркестр) |
| مشایخ | *а.* машшойих | (*бирл.* шайх) шайхлар |
| مشتاق | *а.* муштоқ | 1. зўр истак; чанқаган; қаттиқ истовчи, орзуманд; 2. нафс, ҳирс, шаҳват |
| مشتری | *а.* муштари (й) | харидор, сотиб олувчи; мижоз |
| مشتری | *а.* муштари (й) | астр. Юпитер |
| مشرب | *а.* машраб | табиат, одат, хулқ |
| مشرق | *а.* машриқ | шарқ, кунчиқар |

| | | |
|---|---|---|
| مصابيح | *а.* масобиҳ | чироқ, машъал, машъала (фонус) |
| مصاحبه | *а.* мусоҳиба | суҳбат |
| مصارف | *а.* масориф | (*қ. бирл.* масриф) |
| مصرف | *а.* масриф | сарфловчи; чиқим, харажат |
| مصروع | *а.* масру (ъ) | қуёнчиқ, тутқаноқ (тутқаноқ касалига дучор бўлган одам) |
| مصطفی | *а.* мустафо | сайлаб олинган (сайланган) Муҳаммад пайғамбарнинг сифати |
| مصلی | *а.* мусалли | намозхон |
| مضبوط | *а.* мазбут | 1. мустаҳкам; 2. қўлга олинган, забт этилган |
| مضمون | *а.* мазмун | гап ёки асарнинг умумий маъноси |
| مطابع | *а.* матобе (ъ) | (*қ. бирл.* матбаа) |
| مطالب | *а.* матолиб | (*қ. бирл.* матлаб) |
| مطالعه | *а.* мутолаа | ўқиб тушуниш, фаҳм билан ўқиш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| مطایبه | *а.* | мутояба | аския, ҳазиллашиш, ҳазил |
| مطبعه | *а.* | матбаа | босмахона |
| مطبوع | *а.* | матбу (ъ) | маъқул; лойиқ келадиган |
| مطرب | *а.* | мутриб | чолғучи, музикачи, машшоқ; созанда; ҳофиз |
| مطلب | *а.* | матлаб | истак, тилак, мақсад |
| مطلع | *а.* | муттали (ъ) | 1. огоҳ; 2. хабардор |
| مطلوب | *а.* | матлуб | талаб этилган; исталган нарса |
| مطیع | *а.* | муте (ъ) | итоат этувчи, бўйсунувчи |
| معادن | *а.* | маодан | (*қ. бирл.* маъдан) |
| معارف | *а.* | маориф | (*бирл.* маърифат) 1. билиш, англаш; 2. билим, илм, маълумот |
| معالجه | *а.* | муолажа | даволаш, даволаниш даво |
| معاون | *а.* | муовин | ёрдамчи |

| | | |
|---|---|---|
| معبد | *а.* маъбад | ибодатхона |
| معبوده | *а.* маъбуда | худо, тангри, оллоҳ |
| معدن | *а.* маъдан | ер ости бойликлари, кон |
| معذور | *а.* маъзур | кечирим, узр |
| معراج | *а.* меърaж, миърож | нарвон, шоти |
| معرکه | *а.* маърака | 1. йиғин; 2. жанг майдони |
| معروف | *а.* маъруф | таниқли, машҳур |
| معزول قیلماق | *а.-т.* маъзул қилмоқ | бўшатмоқ, вазифадан озод қилмоқ; кетказмоқ |
| معشر | *а.* маъшар | йиғин; одамлар жамоаси |
| معصوم | *а.* маъсум | бегуноҳ; пок, тоза |
| معطر | *а.* муаттар | ёқимли ҳид таратувчи, хушбўй |
| معطل | *а.* маътал | кутиб қолган, мунтазир |
| معظم | *а.* муаззам | 1. улуғ; 2. хурматли |
| معمار | *а.* меъмор | бинокор, архитектор |

| | | |
|---|---|---|
| معمور | *а.* маъмур | обод ва фаровон. бекам-кўст; тўкин |
| مغ | *ф.* муғ | зардўшт динига мансуб киши; мажусий, оташпараст |
| مغ بچه | *ф.* муғбач(ч)а | 1. оташпараст бола, мажусий бола; 2. чиройли ўспирин; 3. май ташувчи бола |
| مغرب | *а.* мағриб | ғарб, кунботар |
| مغنی | *а.* муғанний | 1. қўшиқчи, ҳофиз; куйчи; 2. жўрлик |
| مفتاح | *а.* мифтоҳ | очқич, калит |
| مفتی | *а.* муфти | 1. шариат қонунларини талқин қилувчи; 2. фатво берувчи |
| مفلس | *а.* муфлис | бечора, камбағал |
| مقام | *а.* мақом | 1. жой, ўрин; 2. даража; 3. босқич; 4. оҳанг |
| مقامات | *а.* мақомот | (*қ. бирл.* мақом) |
| مکدر | *а.* мукаддар | 1. хираланган; 2. ғамли |
| مکرر | *а.* мукаррар | боз устига, қайта-қайта |

| | | | |
|---|---|---|---|
| مكرم | *а.* | мукаррам | азиз, ҳурматли |
| مكروه | *а.* | макруҳ | нопок; ҳаром |
| مناجات | *а.* | муножот | ёлвориш, ялиниш |
| منافق | *а.* | мунофиқ | икки юзламачи |
| مناقشه | *а.* | муноқаша | жанжал, тортишув |
| منبعد | *а.* | минбаъд | бундан кейин; ҳеч, сира, асло |
| منتظر | *а.* | мунтазир | кутувчи |
| منتظم | *а.* | мунтазам | тартибли |
| منتظيم | *а.* | мунтазим | 1. тузувчи; 2. тартибга мувофиқ |
| منطبق | *а.* | мунтабиқ | уйғун бир-бирига мувофиқ |
| منظور | *а.* | манзур | мақбул бўлган, мақсад, ният, мўлжал |
| منقاد | *а.* | мунқод | бўйсунувчи, итоат этувчи |
| منكر | *а.* | мункир | тонувчи; рад этувчи |

| | | |
|---|---|---|
| منکر نکیر | *а.* мункар-накир | фариштлар номи |
| موالی | *а.* маволи | (*қ. бирл.* мавло) |
| موسی | *а.* Мусо | яҳудийлар пайғамбарининг номи; Мусо |
| مولا | *а.* мавло | эгам; хожа; устоз; банда |
| موندو | *т.* мўнду | сопол кўза, хумча |
| مونس | *а.* мунис | ҳамдам, улфат |
| مونگرایماک | *т.* мунграймак | мунгли ҳолга тушмоқ |
| مونگلوغ | *т.* мунглуғ | мунгли, ғамгин |
| مهابت | *а.* маҳобат | ҳайбат, савлат |
| مهوش | *а.* маҳваш | жуда чиройли; ойдай гўзал |
| مهیا | *а.* муҳайё | тайёр, ҳозир |

## ن – Н

| | | |
|---|---|---|
| ناتوان | *ф.* нотавон | 1. кучсиз, фақир, ночор; 2. йўқсил; заиф |

| | | |
|---|---|---|
| ناحیه | *ф.* ноҳия | 1. ноҳия (район); 2. малакат, юрт, ер |
| نازل | *а.* нозил | тушган, юборилган (Оллоҳ томонидан тушган Қуръон оятлари, назарда тутилади) |
| ناسخ | *а.* носиҳ | нусха кўчирувчи |
| ناشگفت | *ф.* ношугуфт | очилмаган (ғунча) |
| ناشناس | *ф.* ношунос | нотаниш; танилмаган |
| ناصح | *а.* носиҳ | ўгит берувчи, насиҳат қилувчи |
| ناقص | *а.* ноқис | нуқсонли, қусурли |
| ناقل | *а.* ноқил | ҳикоя қилувчи; нақл қилувчи |
| ناکام | *ф.* ноком | 1. бебаҳра; 2.ноилож |
| ناوک | *ф.* новак | 1. камоннинг ўқи; 2. киприк |
| نبوت | *а.* нубувват | элчилик, пайғамбарлик |
| نبی | *а.* набий | пайғамбар, худонинг элчиси |
| نجار | *а.* нажжор | дурадгор |

| | | |
|---|---|---|
| نجم | *а.* нажм | юлдуз |
| ندامت | *а.* надомат | афсусланиш, пушаймонлик |
| نرگس | *ф.* наргис | чиройли кўз (гулнинг бир тури) |
| نشست | *ф.* нишаст | ўтириш |
| نصرت | *а.* нусрат | ғалаба, зафар |
| نظر | *а.* назар | кўз қараш; ўткир нигоҳли |
| نعل | *а.* наъл | 1. тақа, пошна; 2. кавуш |
| نفایس | *а.* нафойис | (*бирл.* нафиç) нозик, латиф |
| نقیب | *а.* нақиб | 1. бошлиқ, сардор; 2. қабила бошлиғи, раҳнамо; 3. доҳий |
| نکته‌دان | *ф.* нуктадон | билимдон; нозик фаҳм |
| نما | *ф.* намо | грам. сўз бирикмасида асосан билдирувчи, ўхшаш маъноларини англатади |
| نماینده | *ф.* намоянда | 1. кўрсатувчи; 2. вакил |

| | | |
|---|---|---|
| نواحی | *ф.* навоҳий | (*қ. бирл.* ноҳия) |
| نوجوان | *ф.* навжувон | ёш йигит, ўспирин; бўз бола |
| نهاد | *ф.* ниҳод | хислат, характер |
| نهان | *ф.* ниҳон | яширин, пинҳон |
| نهفته | *ф.* нуҳуфта | маҳфий, сир |
| نیازمند | *ф.* ниёзманд | 1. камбағал; 2. ўтинувчи |

## و — В

| | | |
|---|---|---|
| وابسته | *ф.* вобаста | 1. алоқадор; 2. боғлиқ |
| واحد | *а.* воҳид | якка, ягона, битта |
| واقعاً | *а.* воқеан | 1. ҳақиқатан, дарҳақиқат; 2. айтгандай |
| والد | *а.* волид | ота, дада |
| والله | *а.* валлоҳ | худо ҳақи; азбаройи худо |
| والله اعلم | *а.* валлоҳу аълам | худо билади, эҳтимол, балки |

| | | |
|---|---|---|
| واله | *а.* вола | 1. мафтун; 2. берилган |
| وامق | *а.* вомиқ, вомуқ | ошиқ, ишқ дардига мубтало бўлган |
| وثیقه | *а.* васиқа | шахсий гувоҳнома, ҳужжат, ишончнома |
| وحشت انگیز | *а.-ф.* ваҳшатангиз | қўрқинчли, ваҳимали |
| ورخواست قیلماق | *ф.-т.* вархост қилмоқ | талаб қилмоқ, қаттиқ сўрамоқ |
| ورساقی | *т.* варсоқи | шеърнинг бир тури |
| وزیر | *а.* вазир | 1. олий мансаб эгаси; 2. вазир |
| وعظ | *а.* ваъз | 1. хутба; 2. насиҳат, ўгит |
| وقف | *а.* вақф | 1. тўхташ (ўқишда); 2. аруз қоидаларидан бири |
| وقف | *а.* вақф | васият қилиб қолдирилган мулк, вақф моли, мол-мулк |
| ولد | *а.* валад | фарзанд, ўғил |
| ولی عهد | *а.* валийаҳд | тожу тахт меросхўри |
| وهاب | *а.* ваҳҳоб | кўп инъом қилувчи |

# ه – Ҳ(А)

| | | |
|---|---|---|
| هبا | *а.* ҳабо | 1. ғубор; 2. чанг, тўзон |
| هجرت | *а.* ҳижрат | ўз жойини, мамлакатини тарк этиб, бошқа жойга кетиш, кўчиш (Муҳаммад пайғамбарнинг ўз саҳобалари билан биргаликда Маккадан Мадинага кўчиши) |
| هدهد | *а.* ҳудҳуд | сассиқ попишак |
| هزار | *ф.* ҳазор | 1. минг; 2. булбул |
| هلال | *а.* ҳилол | янги ой |
| هما | *ф.* ҳумо | қуш (кимнинг бошига кўнса ёки сояси тушса, у киши энг бахтли бўлади, деб эътиқод қилинган қуш, давлат қуши) |
| همراز | *ф.* ҳамроз | сирдош |
| هموار | *ф.* ҳамвор | текис, теп-текис |
| هوان | *а.* ҳавон | 1. манфур, жирканч, разил; 2. ҳақир, нотавон |

# ی – Е,Й(И,Э)

| | | |
|---|---|---|
| یابنده | *ф.* ёбанда | топувчи, топағон |
| یارغو | *т.* ёрғу | 1. ҳукм чиқариш; 2. жазолаш |
| یارلیق | *т.* ёрлиқ | амр, фармон (муҳр босилган хат) |
| یازوق | *т.* ёзуқ | 1. гуноҳ, айб; 2. ёмон |
| یازیغ | *т.* ёзиғ | ёзув, хат, мактуб |
| یرغوسورماق | *т.* ярғусурмоқ | ҳукм чиқариш; ҳақиқатни аниқлаш (ҳақ-ноҳақни ажратиш учун қози томонидан чиқариладиган ҳукм) |
| یغما | *ф.* яғмо | бузғунлик, талон-торож |
| یغما | *ф.* яғмо | 1. қабила номи, шаҳар, 2. мамлакат |
| یقین | *а.* яқин | 1. жазм; 2. муқаррар |
| یوم | *а.* ёвм, явм | кун, кундуз; вақт |